



2017 йил –
ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА
ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Ошла Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

Жамият

13 (1320)-сон 29 март 2017 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

БОЛАЛАР НЕГА ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИ?



А.Маликов коллажи.

Ушбу сонда:

Маҳмуд НАМОЗОВ:
**БАҒРИ КЕНГНИНГ
БОҒИ КЎКАРАР**



– Тўғри. Лекин менга қолса, бунни ишсизлик, демаган бўлардим. Айниқса, бизнинг мамлакатимизда. Билмадим, бунни қаноатсизлик, дейиш керакми ёки олисдаги куйруққа қизиқишми? Галимни ўқиганлар “Маҳмуд Намозовнинг муаммоси йўқда, шунинг учун гапирaveraди”, дейиши мумкин. Лекин ишлайман, деган одам учун бизда иш бор. Энг муҳими, жуда кўп халқлар орзу қиладиган, етолмайдиган томорқамиз бор кўпчилигимизнинг.

4-бетда

ОҚСАЁТГАН МАДАНИЯТ

ёхуд маънавиятдан
йироқлашаётган айрим
йўловчилар хусусида



Аммо қиз ҳам сурбетгина экан, узр сўраш, истиҳола қилиш ўрнига: “Пулини тўлаб қўйгандан кейин истаган жойда тўхтатишга ҳаққи бор”лигини айтди! Ундаги беибликдан уялиб кетдим. Озроқ масофани ҳам пиёда юришга эринган, устига-устак бетгачопаргина бу қиз бир автобус йўловчи олдида беандишалиги билан ўзининг чиройига лой сачратгандек эди, шу тобда...

5-бетда

МУВАФФАҚИЯТ СИРИ – ОИЛАДА

Зулфияхоним қизлари

Боёвут қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Нозимабону Шербекова бу йил адабиёт йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

– Нозимабону ўн ёшдан бошлаб шеърлар маш қилади, – деди дадаси Нурмухаммад Шербеков. — 2009 йили “Баркамол авлод” болалар ижодиёт маркази қошидаги “Ёш қаламкашлар” тўрагага қатнашаман, деганида онаси иккимиз, “Бола-да, бу қизиқиши ҳадемай ўтиб кетса керак”, деб ўйлагандик. Аммо, қизим ўз устида тинимсиз ишлади, кунт билан ўрганди. Машқларини ўқиб, шеърятга бўлган меҳри ўткинчи эмаслигини тушундик. 2010 йили “Гул фасли”, 2015 йили “Оймомонинг кўзгуси” номидаги шеърли китоблари чоп қилинганида

жуда қувондик.

– Нозимабону мактабда ўқиётган вақтларидаёқ интилувчанлиги, фанларни чуқур ўзлаштириши, ташаббускорлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди, – дейди устози Феруза Эшбоева. – Боланинг китобга меҳр қўйишида оилавий муҳитнинг аҳамияти катта. Нозимабонунинг ота-онаси маърифатли кишилар. 2013 йилда ўқувчиларнинг бадиий адабиётлар мутлоасига бўлган қизиқишини янада кучайтириш, шунингдек, оилавий китобсеварликни тарғиб қилиш мақсадида ўтказилган “Китобсеварлар” кўрик-танловининг мамлакат босқичида Шербековлар оиласи III даражали дипломни қўлга киритган. Кўриниб турибдики, унинг ўқиб-ўрганишга иштиёқи, китобга меҳри оилада шаклланган.

Шунингдек, у туман ва вилоят миқёсидаги кўрик-танловларда жуда фаол. 2015 йили “Энг яхши китобхон” кўрик-танловининг Сирдарё вилоят

босқичида II даражали диплом билан тақдирланди. Худди шу йили “Камолот” ЁИХ туман Кенгашининг “Ёш қаламкашлар” танловида 1-ўринни қўлга киритди. 2015-2016 йиллари “Юрт келажаги” иқтидорли ёшлар республика танловининг “Адабиёт ва журналистика” йўналишида “Назм” номинацияси голиби бўлди.

“Сирдарё гўнчалари” тўпламидан Нозимабонунинг “Илтико”, “Қавати кўп бионинг қаватларидан”, “Йўлим тушса, юртдан олис кўрғонларга” номли шеърлари жой олган.

– Баскетбол ва теннис билан ҳам шуғулланаман, – дейди Нозимабону. – Чунки спорт нафақат жисмонан соғлом қилади, балки киши руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Зулфияхоним ҳаёти ва маънавияти ҳақида устозларимдан ибратли ҳикоялар эшитганман. Шундай юксак эътирофга сазовор бўлганимдан бахтиёрман. Тенгдошларим ҳар тарафлама ўрнат бўлишга, келгусида



юрт равнақи йўлида хизмат қилишга ҳаракат қиламан.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
Сирдарё вилояти

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор туфайли бу соҳа йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Бу тармоқ ўзининг иқтисодий имтиёзларидаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири билан давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим ўрин эгаллаётир.

Ўзбекистон иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакатдан бири сифатида тан олинган.


Ўтган 2016 йил якунида “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа бир қатор ҳужжатларда тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор ўз аксини топиб, уларга асосан турли йўналишлар бўйича енгилликлар, имтиёзлар яратилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларни фойда ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари 12 та фаолият турларини, шундан 4 таси республиканинг барча ҳудудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда амалга оширилганлик учун 2020 йил 1 январгача тадбиқ этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари

ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилганлиги шу йўналишда фаолият кўрсатаётган корхоналар учун катта қулайлик яратди.

Шундай корхоналардан бири Янгиер шаҳрида рўйхатдан ўтган “СП МОСЯНТЕКС” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолият тури текстиль-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлиб, 2016 йилда жамият томонидан ишлаб чиқарилган 1 472 721,7 минг



сўм трикотаж маҳсулотларини сотишдан олинган даромадига нисбатан ягона солиқ тўлови бўйича юқоридаги қарорда белгиланган имтиёз қўлланилган.

Корхона раҳбари Ш.Ҳайдаровнинг сўзларига кўра, тадбиркорларга берилган солиқ имтиёзлари тадбиркорлик ва ишбилармонларга эркин ва самарали иш юритиш ҳамда иқтисодий имтиёз ривожига муносиб ҳисса қўшиш имкониятини яратди.

Р.РАҲМОНҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят ДСБ
Ахборот хизмати бош мутахассиси

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва

учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Агарда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорига сугурта бадалли ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорига солиқ тўлаш шarti билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Таъкидлаш жоизки, яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Яратилаётган бундай қулай имкониятлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг замин яратди.

Шухрат АРИПОВ,
Яқкасарой туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

ЖОНКУЯР ФОЛЬКЛОРШУНОС

Фольклоршунослик мутахассисдан тил, адабиёт, тарих, этнография, археология каби кўплаб соҳаларда пухта билимга эга бўлишни, тинимсиз изланишни талаб қилади. 44 йилдан оширок вақт мобайнида Тошкент давлат Санъат ва маданият институтида ёшларга фольклор ва этнография сабоқларини бериб келаётган Саодат Йўлдошева шу соҳанинг чин маънодаги жонкуярларидан биридир.

Фольклор ва этнография бир-бири билан узвий боғлиқ. Бири анъана ва маросимлар тарихи, ўтиш жараёни, бугунги ҳолатини ўрганса, иккинчиси унинг сўз бадииятини тадқиқ этади. «Мангу безавол хазина», «Фольклор-этнографик ансамбллари» номли услубий тавсиф-

номалар, «Мучал тўйи» номли рисола, «Халқ урф-одатлари ва анъаналари», «Фольклор кийим ва безаклари» каби қатор услубий кўлланмалари олиманинг ҳар икки йўналишда ҳам етуқ билимдонлардан бири эканини исботлайди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Саодат Йўлдошева

устоз фольклоршунос Тўра Мирзаев раҳбарлигида «Алпомиш» дostonи бадиияти мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаган эди. Бунда қандайдир рамзийлик бордек туюлади. Фольклоршуносларимиздан бирининг ибораси билан айтганда, ўша даврда илмдаги бундай уринишлар, «қалтис ҳаракат»лар Алпомишнинг тез орада «зиндон»дан қутулишига, миллатнинг, юртнинг озод бўлишига бир ишорадек эди гўё.

Саодат опа шу мавзудаги тадқиқотларини ҳалигача

давом эттирмакда. «Эпос халқ ўтмиши», «Алпомиш» дostonида хотин-қизлар образининг тасвири, «Алпомиш» дostonида халқ идеалининг акс этиши, «Алпомиш» дostonида доимий эпитетлар» номли илмий мақолалар, тадқиқотлар ана шундай изланишлар самараси ўлароқ юзага келган.

Соҳада изланаётган олимлар назарий билимлар билангина чекланиб қолмай, фольклорнинг жонли ижро жараёнидан ҳам хабардор бўлиши лозим. Саодат Йўлдошева ҳам илми, ҳам амалиётни омухта эта олган олимандир. Зеро, фольклорда кўшиқ йўқ, балки ижро ҳолати бор дейишади. Яъни, фольклор намунаси ижро жараёнида юзага келади ва ҳар гал шу жараёнда мутассил ўзгариб, янгилашиб боради. Буни ўз вақтида яхши илган олиманинг саъй-ҳаракатлари билан республикамизнинг турли бурчақларида «Моҳи Ситора», «Момогул», «Бойсун», «Муножот», «Гулёр», «Гавҳар», «Кабутар», «Тўрғай», «Қизғалдоқ», «Чаш-

ма» каби фольклор-этнографик жамоалари тузилди, уларнинг репертуари халқ ижоди намуналари билан бойитилди.

Профессор Саодат Йўлдошева нафақат илмда, балки жамоат ишларида ҳам фаоллиги билан шогирдларига ўрнак бўлиб келмоқда.

У зоқ йиллардан буён Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурдаги «Ижодкор аёллар» уюшмаси аъзоси, «Маҳалла» жамоат фондида маслаҳатчи, «Олтин мерос» Халқаро жамғармасининг фаоли ҳисобланади. Олиманинг зоқ йиллик самарали меҳнати ҳукуматимиз томонидан 2006 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан тақдирланган.

Қутлуғ етмиш ёшни қаршилаётган Саодат опа ҳамон ёшларга сабоқ бериб, «Номодий маданий мерос ва ижро санъати» мавзудаги илмий лойиҳага раҳбарлик қилиб келмоқда.

Жаббор ЭШОНҚУЛ



Орамиздаги одамлар

ТУПРОҚ БИЛАН ТИПЛАШГАН ОНА

Саксон ёшдан ошган бўлса-да, ғайратли, шижоатли Мукаррам ая Мирзаолимова ҳақида гап кетса, учқўргонлик фермерлар ўзгача ҳурмат-эҳтиром билан: «Юрса қадамидан ўт қақнайди, сўзида меҳрибонлик бор, гаплашиб тўймайсиз», дейишади.

Катта йул ёқалаб «Тождимирза ота» фермер хўжалиги ҳудудига кириб борарканмиз, дарахтлар орасидаги шийпон олдида бошига тўқ яшил рўмол ташлаган, ойбалдоғи юзига зеб берган, эгнидаги яшил тусли жемпери ва шу рангдаги кўйлаги ўзига ярашган нуроний онахон бизга пешвоз чиқди.

— Танишинг, булар менинг онаизорим, — дея бизни таништирди хўжалик раҳбари Баҳодир Жўраев.

Онахон билан суҳбатлашарканмиз, унинг қалби тупроқларга туташиб кетганини, ўзи бир қарич ернинг-да умрини зое кетказмаслик ҳаракатида эканини ҳис этдик. Саксон йиллик умр. Шодлигу ташвишларга қоришиқ ҳаёт... Хотираларини эслганида онахоннинг кўзлари гоҳ қақнайди, гоҳ маҳзун тортади.

...Эндигина 4-синфга ўтганида отаси оламдан ўтди. Урушининг асорати онахоннинг муҳтожликка маҳкум этган. Ҳали суяги қотмаган Мукаррамхон ҳам тонг қоронғисидан то қош қорайгунча кўлидан кетмонини кўймай ишлади. Гоҳ тошли, гоҳ тўқайзор ерларни минг машаққат билан оби-тобига келишида кичик жусаси билан катта ёрдам кўрсатди. Оиласини оёққа тургазишининг ўзи бўлмади.

Тез-тез орғиб турадиган онаси уни тиббиёт ҳодими бўлишини истарди. тиббиёт билим юртини битиргач, бир неча йиллар қишлоқда акушер-гинеколог бўлиб ишлади. Қишлоқ хўжалигида кадрлар етишмаслиги сабаб уни шу соҳада масъул лавозимга тайинлаш-



ди. Ҳам ишлади, ҳам ҳозирги Андижон давлат университетининг кимё-биология факультетининг сиртки бўлимида тахсил олди. Кейин 1969 йилдан 2001 йилга қадар Яшиқобод қишлоғида қишлоқ хўжалиги йўналишида турли лавозимларда ишлади.

Қишлоқдошлари, тумандошлари яхши эшлади: ўз ишининг устаси бўлган бу аёл қишлоқда болалар боғчаси, мактаб барпо этилишига ўз ҳиссасини қўшган. ҚФЙ раиси бўлган пайлари ҳар бир хонадонга кириб, ҳамқишлоқларининг қувончу ташвишларига шерик бўлган.

— Ишлаган кам бўлмайди, — дейди онахон. — Кенжатоим Баҳодирнинг меҳнаткаш чиқди. Тожимирза отангиз билан олти фарзандни оқ ювиб, оқ тарадик.

Фермерлик ҳаракатига йул берилган кезлари 4 гектар ерда иш бошлаб юбордим. Илк йиллари ерлар шўр, кўп ишлов талаб этарди. Бор кучимизни сарфладик. Пахта ҳосилдорлиги ошиб борди. 2002 йили туман ҳокими ишонч билдирди: 28 гектар тошлоқ ерни кўшиб олдик.

Биласиз, тошли жойларда унган

ғўзанинг ўқ томири унча чуқурлашмайди. Фақат сочма томирлари билан озикланади. Шунинг учун маҳаллий ўғитни ҳам, кимёвий дори-дармонни ҳам икки ҳисса солишга одатландик. Кузда пахталар чаман-чаман очилади денг, бироқ тош босмайди. Шунда ҳам 23 центнер ўрнига 26-27 центнер ҳосил олишга уринамиз.

Хўжалигимиз уйимиздан бир неча қақирим нарида. У вақтларда Баҳодир бўз бола эди. Бир кун экинларни суроайтсак, шаррос ёмғир кўйиб, жалага айланди. Бундай дала шийпони қайда, дейсиз. Тун ярмидан оққан, уйга кетолмаймиз. Агар кетсак, яқин орада юрган «шаввоалар» экинга тараган сувимизнинг «қулгини» бошқа тарафга буриб кетишади. Қолайлик десам, ёмғирдан усти бошимиз жикка хўл. Полиэти аманининг паҳса деворли чайласига етиб олдик. Ўғлимнинг кўзи илинди. Бир ёқда экинларимга таралган сувдан хавотирлансам, бир ёқда боламдан совуқ ўтиб, шамоллаб қолмасикан, деган ҳадик мени ўйлантирарди. Минг машаққат билан ундирган кўчатларим ҳам боламдек эди-да. Эрталаб кўчатларга разм солсам, зарар етмабди. Шу кун дала шийпони қуришни ният қилдим. Мана, қийин-чиликлар ҳам ортда қолди. Фермерликни бошлаган кезларимизда бир бoш сизирим бор эди. Бугун улар сони ўн еттита.

Рўмоли остидан онахоннинг оппоқ сочлари жилоланади, қадоқ кўллариди тафт. Томирларида оқаётган шижоат қадамларида акс этади. Саксондан ошган бўлса-да, ёшим ўтиб қолди-ку, болалар урдасидан чиқсин, демай даладаги юмушларга эш. Яхшиям, шундай оналаримиз бор, улардан ибрат оламиз. Ғайрат-шижоати қалбимизга кўчиб, бизни уйғоқликка, эл-юрт ишига камарбаста бўлишга ундайди.

Нигора ЎРОЛОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

Миннатдорлик

РОҲАТГА ЕТГАНЛАР

Ўттиз етти йилдан бери таълим соҳасида ишлайман. Тенгдош аёлларни сиҳаттоҳларда даволаниб, дам олаётганини эшитсам, ҳавасим келарди. Бу йил Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси «Турон» санаториясида дам олиб, бундай масканларда ҳордиқ чиқарган аёлларнинг тетиклиги, юзлари тиниқиб, ёшаргандек қуриниши бежиз эмаслигига амин бўлдим.

Санаторияда кексалар, пенсионерларга яратилган имкониятлар бизни жуда хурсанд қилди. Айниқса, даволаш бўлимидаги парафин, балчиқ, физиотерапия, бассейни, ванна, циркуляр душ, ичак ювиш, сув ости уқалаш, ингаляция, уқалаш муолажаларидан кишининг танаси яйраса, ҳамшира-ю шифокорларнинг чиройли муомаласидан кўнгли кўтарилади. Олий тоифали шифокор М.А.Ғазиева, олий тоифали ҳамширалар Муқаддас Турсунова, Камола Солижоноваларнинг номларини алоҳида тилга олсанг арзийди. «Турон»га келган дам олувчилар вақтни қандай ўтганини сезмай қолишади.

Бу ерда турли соҳаларда ишлаган нуроний отахон ва онахонлар билан танишдик. Халқимизда: «Меҳнатинг роҳат бўлиб қайтсин», деган гап бор. Бугун мана шундай сиҳаттоҳларда дам олиб, саломатлигини тиклаётган отахон онахонларнинг бари зоқ йиллик меҳнатининг роҳатини кўраётганига шукроналар айтишмоқда.

Кекса-ю ёшлар бирдек даволанаётган, тинч, осуда юртимизга кўз тегмасин.

Шоира МҮМИНОВА,
Бухоро вилояти, Жондор тумани, Ойтуғди қишлоғи

Биз журналистлар, аксарият ҳолларда, санъат аҳли билан асосан санъат ҳақида суҳбатлашамиз. Шунданми, мухлисусу муштарийларда санъаткорнинг ҳаёти фақат кино ва театр ёхуд мусиқа, қўшиқдан иборат, деган нотўғри тасаввур шаклланиб қолган. Санъаткор ҳам шу жамият вакили: бўлаётган ўзгаришлардан, янглианишлардан четда эмас. Меҳмонимиз Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозовнинг ҳам бу борада ўз хулосалари бор.

— Юртимизда Наврўз шукуҳи кезиб юрибди. Эл назарига тушган санъаткорсиз, йўқлаб олис вилоятлардан меҳмонлар, яқинларингиз келиши табиий. Ўзбекистон қон-қонига сингган меҳмоннавозлик фазилати ҳақида нималар дейсиз?

— Халқимизда, меҳмон келар эшикдан, ризқи келар ғойибдан, деган нақл бор. Ёшлигимизда уйимизга меҳмон келса, суноиб кетардик. Онам тоғанини

— Маҳмуд ака, меҳмон кутиш анъаналарига замонавий нигоҳ билан қарашга нима дейсиз?

— Ортингиздан кимдир йўқлаб, соғиниб, дийдорлашгани келгани яхши. Аммо ҳар нарсада меъёр бўлиши керак. Кимдир даволанишга, ўқишга ёки амалиёт ўтагани келади. Керак бўлса бир ойлаб қолиб кетадиган меҳмонлар ҳам бор. Ўша оиланинг иқтисодий аҳволи, яшаш шароитини ҳам ўйлаш керак. Ҳозир бир-бирдан чиройли, замонавий, қулай меҳмонхоналар бор. Нархи ҳам

Маҳмуд НАМОЗОВ:

БАҒРИ КЕНГИНИНГ БОҒИ



дастурхонга, кўяр, баҳонада биз ҳам нозу неъматлардан баҳраманд бўлардик. Меҳмон келса, дарров "кетасими, қоласими", деб савол берардик. Бу савол ортида кўпроқ қолсангиз, бизга шунча маза бўлади, деган маъно яширин бўларди. Қишлоқда меҳмон кутиш унчалик муаммо эмас. Чунки одамлар кенчиликда яшайди. Меҳмон учун ҳовлининг бир четида алоҳида уй қурилади. Келган одам уч-тўрт кунлаб қолиб кетса ҳам, бошқаларга қийинчилик тўғдирмайди.

Вилоятдан келиб, пойтахтда яшаётган одамларнинг аксарияти кўп қаватли уйларда туришади. Ҳаттоки икки хонали уйда келини, бўй этган қизи ёки ўғли билан яшаётган оилаларни биламан. Бир танишим оиласи билан кўп қаватли уйда туради. Қишлоқда яшайдиган синфдошлари саккиз йилдан буён янги йилни пойтахтга келиб, унинг уйда кутиб олади. Фарзандлари, қачон биз ҳам одамларга ўхшаб янги йилни ўзимиз, оилавий кутиб оламиз, деб нолиркан. Янги йил яқинлашгани сайин оёқ-қўлларингиз калтирайди, дейди ўша оғайим. Меҳмондўст, бағрикенг халқимиз. Ўзимиз емаганини меҳмонга едирамиз. Юзхотир қиламиз. Тўғри, меҳмон келганда оиладаги муносабатлар бирмунча яхшиланади. Эр-хотин ўзининг яхши томонларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Келишмовчилик, низолар барҳам толади. Уйлар тоза-озода, саранжом-сарийшта тугилади. "Уят бўлади!" деган сўз қайта-қайта тақоррланган, болалар ҳам ўзларини яхши тутишга интилишади.

Меҳмон кутишнинг яхши томонлари билан бирга ноқулайликлари ҳам йўқ эмас. Агар меҳмон узоқ қолиб кетса, ўша оиланинг чўнтаги қурийдими. Маошгача қарз кутарди. Ота-она болаларни дарсларини қутиштишга, уларга эътибор беришга вақт ажрата олишмайди. Дам олиш ёки иш кунларининг фарқи қолмайди. Бу ҳолат мезбон соғлиги, асабларига таъсир қилади.

чўнтакка қараб. Бировнинг уйига бориб, тиқилиб яшагандан кўра меҳмонхонада турган яхши эмасми? Аммо меҳмонлар меҳмонхоналарда яшашни ўзларига ҳақорат деб тушунишади. Балки секин-аста меҳмон кутиш, меҳмонга бориш одоблари шаклланиб, замонавийлашар.

— Бугун шаҳару қишлоқларимизда қурилаётган уй-жойларни кўриб кўзингиз қувнайди. Аммо бу орзу-ҳаваслар гоҳида ортиқча дабдабага айланиб, оилада, кўни-қўшиллар орасида келишмовчиликларни ҳам келтириб чиқармаяптими?

— Ўзбек уч-тўрт сўм маблағ орттирса, уй қуради. Майли, курсин. Бироқ уй қуришдан олдин пухта режа тузсин, имкониятини чамаласин, катталар билан маслаҳатлашсин: муаммо камроқ бўлади. Имконияти етмай туриб, ким ўзарга катта иморат қуриб, охирига етказа олмай ўзини ҳам, болаларини ҳам қийнаётганлар кам эмас. Масалан, бир йилда беш ёки олти марта меҳмон келади. Ана ўша меҳмон учун саккиз-ўн метрли хоналар қурилади. Йилнинг қолган 360 кунда ўша хона бўш туради. Ўша иморатга сарфланадиган маблағни болаларнинг ўқиши, келажак учун сарфланса, бунинг натижаси яхшироқ бўладими, дейман-да.

— Ишсизлик бугун нафақат бизда, дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида муаммо. Кўплаб юртдошларимиз хорижга иш излаб кетаётгани ҳам сир эмас...


— Тўғри. Лекин менга қолса, буни ишсизлик, демаган бўлардим. Айниқса, бизнинг мамлакатимизда. Билмадим, буни қаноатсизлик, дейиш керакми ёки олисдаги қуйруққа қизиқишми? Гапимни ўқиганлар "Маҳмуд Намозовнинг муаммоси йўқ-да, шунинг учун гапирверади", дейиши мумкин. Лекин ишлайман деган одам учун бизда иш бор. Энг муҳими, жуда кўп халқлар орзу қиладиган, етолмайдиган томорқамиз бор кўпчилигимизнинг.

Отам кексайга, ҳовлининг бир четида пастроқ, кириб-чиқишга қулай икки хонали уй қуриб беришимизни сўради. Укам қишлоқда яшайди. Мен маблағ, керакли хом-ашё билан таъминлаб турдим. Бироқ отамнинг уйи битиши қийинлашиб кетди. Сабабини сўрасам, ишчи йўқ, дейди укам. Узун тумани Файзиобод қишлоғида тутилганман. Денов 12 чақирим узоқда. Қишлоқдагилар шунча йўл босиб, Деновга бориб ишлаб келади. Укам иш таклиф қилса, Маҳмуд Намозовнинг укасини оғиб бориб ишлашга уяламиз, дейишибди. Мана сиз ишсиз, деган одамларнинг дунёқараши. Эртадан кечгача қарта ўйнаб кўнини ўтказадиган одамларни кўп кўрганман. Суви лойқалатадиганлар ҳам, "у йўқ, бу йўқ", деб нолийдиганлар ҳам ўшалар.

— Яна бир гап: амалини ҳаёт-мамонт масаласи, деб қаровчи ёки ишдан бўшагач, оғир тушкунликка тушадиган одамлар ҳам йўқ эмас...

— Бир танишим юқори лавозимда иш-

Гурунз



КЎЖАРАР

лаб юриб, соғлиғида муаммо чиқди. Даволаниш учун ишдан бўшади. Рўзгорни тебратиш учун такси ҳайдади. Ўша одам беш йил сабр-қаноат қилиб, бориға кўниб яшади. Соғлиқ ҳамма нарсадан устун эканини тушунди. Унга Оллоҳнинг мукофоти бор экан. Маоши яхшигина жойга ишга таклиф қилишди.

Прокуратура соҳасида ишлайдиган оғайим эса ишдан бўшатилганидан сўнг тўққиз ой ўтиб, дунёдан кўз юмди. Ишдан кетгани учун сиқилиб, ўзини-ўзи еб қўйди. Одам ишдан бўшаб ёки ишсиз қолишни фожёва, деб қабул қилмаслиги керак.

Юқорида айтганимдай, бизда олма пиш, оғзимга туш, деб ўтирадиган ялқовлар кўп. Банклардан кредит олиб иш бошлаган тадбиркорлар, завод ва корхона раҳбарлари ишчи излайди. Ишсизман, деган одамга иш таклиф қилинг, чиройли баҳонаси тайёр. Сабр-тоқатли, чидамли одам ишни енгади. Хорижга бориб ишлаётган одамлар қандай қийинчиликларни бошидан ўтказаятганини биласми. Ўша ишни шу ерда қил, деб кўринг — балога қоласиз. Лекин у ёқда қилишади. Эҳтимол беш-ўн сўм кўпроқ беришар, лекин болачақасидан узоқда яшашига, гурурини поймол қилишига арзирмикан шу?

— Бугун қайси соҳаларда ишчи кучига эҳтиёж юқори, деб ўйлайсиз?

— Турмуш ўртоғим неварамнинг сочини олдириш учун сартарошхонага борибди. Икки соат деганда навбат тегибди. Уста йигит ҳар битта одамнинг сочини меҳр-эътибор билан олар, кирган одам миннатдор бўлиб чиқиб кетаркан. Касб-хунар коллежини битирган, олий маълумотга эга бўлмаган йигит бир кунда қанча даромад қилаётганини ҳисоблаб кўраверинг.

Ҳовлимизда уч-тўрт туп дарахт бор. Шуларнинг шохларини бутаб, шакл бериш учун қишлоқ хўжалик институтида ўқийдиган талаба йигитни чақирдик. Ўн беш минутда дарахтларни чиройли қилиб қўйди. Пайвандчиға бориб, дардингизни айтиб кўринг-чи, эшитишга вақти бормикан? Вақти меҳнатидан қиммат. Иккита темирчи пайвандлаш учун ортидан бир неча кун югуришингиз керак бўлади.

Туфлимни бир четида кичкинагина урилган жойи бор эди. Шуни ёрдамчим маҳалламиздаги касибга олиб борса, буюртмаларим кўп, бир ҳафтагача вақтим йўқ, дебди. Косибни кузатдим. Кечаси соат неччида келишимдан қатъий назар, устахонанинг чирои ёниқ. Ҳозир ҳамма ота-оналар фарзандининг хуқуқшунос, дипломат, банкир, молиячи бўлишини

истайди. Бирорта бола сартарош ёки чархчи бўлман, демайди. Болаларимизни бирор касбга йўналтиришдан олдин, хунар эгаси қилишимиз керак экан.

— Бугун банклар томонидан қишлоқда яшайдиган юртдошларимизга мол-қўй, товук боқиш, деҳқончилик қилиш учун кредитлар ажратилмоқда. Буюм қўшимча даромад-да...

— Президентимиз одамларга қўшимча даромад топиш йўлларини кўрсатяпти, бунга имконият яратиб берапти. Ҳар бир хонадоннинг кичкинагина бўлса ҳам ўз бизнеси бўлса, бу нафақат оилага, жамиятга ҳам катта фойда келтиради. Қишлоқда яшаётган одамларнинг бунга имконияти етарли. Йўқ деганининг ўн сотих ери бор. Ҳовлисидан иссиқхона қуриб, миллион-миллион сўмлаб даромад қилаётган танишларим бор. Чорва билан шуғулланаётганлар қанча. Ҳаракат қилганинг бир икки бўляпти.

— Бугун замоннинг шиддати одамлардан тинимсиз ҳаракатда бўлишни талаб этмоқда. Иккиланган, сустилик қилган киши орқанда қолиб кетаверади. Мана шундай тезкор бир шароитда инсон ўз олдига қандайдир чегараларни ҳам қўйиши керакми?

— Одамзот эркинликка ўч. Эркинлик берилганидан кейин кўнгли жуда кўп нарсаларни хоҳлаб қолади. Ўзимни кўп нарсадан чегаралайман. Кўп ухлаш зарар, деган гапни эшитсам, шундан ўзимни тияман. Кўп овқат емаслик, камроқ гапириш ҳақида эшитиб қолсам, дарров сергакланаман. Ортиқча бойликка ружу қўйиш, манманлик, ўзидан кетиш каби иллатлардан узоқроқ юриш ҳақида ҳам кўп ўйлайман. Отам раҳматли доим назаринг тўқ бўлсин, дерди. Тўхтамасдан пул топадиган одамларни биламан. Бойлигингиз керагидан ортиқ, озгина тўхтанг, дам олинг, бошқалардек хотиржам яшанг, десам пулим камга ўрдашайверади, дейди. Ўртача маошга кун кўриб, ҳаётидан мамнун яшаётганлар қанча. Инсон шукор қилишни билиши керак.

— Ижодкор кўнгли бошқача бўлади, дейишади?

— Нафақат ижодкорлар, ҳамма одамнинг кўнгли кенг бўлсин. Мулоҳазали, мушоҳадалари одам ҳар қандай муаммонинг ечимини топади. Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Одамлар ўтиб кетганимиздан кейин эмас, ҳаётлигимизда яхши гаплар билан ёгда олсин. Ортимиздан ҳавас билан эргаштиларини истасак, кўнглимизни кенг қилайлик!

Нигора РАҲМОНОВА
суҳбатлашди.

ОҚСАЁТГАН МАДАНИЯТ

ёхуд маънавиятдан йироқлашаётган айрим йўловчилар хусусида

Ҳар гал йўллар ва йўловчилар мавзусида сўз кетса, ҳайдовчиларни айблаймиз. Уларнинг аксариятида учрайдиган кўполлик, оқибатсизликдан нолиймиз. Бироқ баъзи йўловчиларнинг оқсоқ маданияти тўғрисида ҳеч ким гапирмайди.

ТАНИШ ҲОЛАТЛАР...

“Дамас” машинасида ишга кетаётганим. Орқа ўриндиқда ўтирган йўловчилардан бирининг кўл телефони жиринглади. Шунда у машинада кетаётганини, бу ерда нундан бошқалар ҳам борлигини унутиб, бор овозда бақир-чақирни бошлаб қолди. Гап-сўзларидан англадимки, кўнғироқ қилаётган унинг фарзанди эди. Оилавий муаммолар йўл устида “ҳал” этила бошлади, уйдаги нохуш гаплар кўчага чиқди. Бир-бирига маъноли назар ташлаётган йўловчиларнинг нигоҳида “Она ўз боласига шундай гапларни айтиши ножиоз эмасми?”, деган савол бор эди. Ноқулай бўлса-да, аёлга бир-икки назар ташладим. Аммо шу тоба нафақат йўловчи маданиятини, балки муомала маданиятини ва ҳатто оналигини ҳам унутган бу аёл атрофдагиларнинг таънали нигоҳини идрок этишга ожиз эди...

Автобус бекатда тўхтади. Кимдир тушди, кимдир чиқди, йўловчилар алмашди. Автоулов жойидан кўзгалди. Ўн-ўн беш метр юриб улгурмасидан чиройли бир киз кўнғироқдек овозда ҳайдовчидан тўхтаб кетишини сўради. Катта ёшли йўловчилар ёшгина кизнинг бекатда тушиб қолмаганидан, ҳайдовчини овора қилганидан ранжиб, дакки бергандай бўлишди. Аммо киз ҳам қўрбетгина экан, узр сўраш, истихола қилиш ўрнига: “Пулини тўлаб қўйгандан кейин истаган жойда тўхтатишга ҳақки бор” лигини айтди! Ундаги беибликдан уялиб кетдим. Озроқ масофани ҳам пийда юришга эринган, устига-устак бетгачопаргина бу киз бир автобус йўловчи олдиде беандишалиги билан



ўзининг чиройига лой сачратгандек эди, шу тоба...

Олд ўриндиқда ўтирган йигит буруқситиб, бемалол сигарет чека бошлади. Машина ичини тутун ва ачимсиқ ҳид эгаллади. Орқа ўриндиқдаги аёлни йўтал тутди. Бечоранинг астмаси бор экан. Хуружи кўзгаб, нафаси қисилди. Йўтала-йўтала, қизариб-бўғриқиб, манзилига етмай тушиб қолди. Ҳайдовчи: “Машинада бекор чекдингиз ука, аёл шўрлик қийналди-да”, дея койиди. Аммо йигит ҳозиржавоблик билан ўзини оқлади: “Айтмайдимки, касалим бор деб, чекмасдим!”

ҲАЙДОВЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Юнусбек Бокиев: – Кўпчилик: “Тез юрасизлар, кўпол муомала қиласизлар”, деб бизни айблайди. Аммо айрим йўловчиларнинг ўзлари бизни шунга мажбур

қилаётганини тушунишмайди. Фикримча, йўлдаги нохушлиқларда фақат ҳайдовчини айбдор қилиш тўғрима. Ўқув курслар машғулотларида бизга ҳайдовчи маданияти ҳақида алоҳида сабоқ беришади. Айнан шу нарсани йўловчиларга ҳам қўлланилса, турли кўнғилсиз ҳолатлар бўлмасди.

Акмалжон Қоюмов:

– Шундай йўловчилар борки, бекатда тўхтаганимизда эмас, атай қилгандай, бекатдан ўтиб, тушишади. Билмадим, бу қайси қоидага тўри келади? Айримлари ҳатто жамоат транспортда кетаётганини унутиб, овозини баралла қўйиб ҳамроҳи билан ёки телефонда бемалол суҳбатлашаверади. Бу нафақат ҳайдовчининг, балки бошқа йўловчиларнинг ҳам асабини бузиши тайин. Ўзингиз ўйланг, бир автобус одамни манзилига соғ-саломат элтиш учун диққат-этиборингизни йўлдан

чалғитмасликка уриниб бораётганингизда йўловчиларнинг шундоққина ёнингизда туриб, телефонда аллақандай муаммоларни ҳал қилиши, бақириб-чақирини ўринлими?! Телефони жирингласа, “Йўлдаман, кейинроқ гап-лашамиз”, дея ўчирган кишиларни кўрганымда: “Отанга раҳмат”, деб юборгим келади. Афсус, бундайлар камайиб борапти.

Дилкашбек Муллажонов:

– Андижондан пойтахтга қатнайман. Биласиз узок йўл, баъзан яхши ҳамроҳ учраса, гоҳида кўпол йўловчиларга рўпара бўламиз. Фейл-атвори қандай бўлса ҳам йўловчини манзилига соғ-саломат етказишимиз керак. Аммо айримларнинг ноўрин хатти-ҳаракатлари, маданиятсизлигидан асабингиз бузилмай қолмайди. Бир сафар йўлда тушлик учун тўхтадик. Йўловчи аёл фарзанди билан машинада овқатланишини айтди. Тушликдан сўнг йўлда давом этдик. Уларни манзилига етказгач, машина ичига эйтибор бериб қарадимиз капалагим учиб кетди. Аёл деганим шу даражада лоқайд, бефаросат бўладими?! Ўриндиқ тўшакчасида ёғ доғлари, оёқ остида нон ушоқлар сочилиб ётарди. Хайфим келди. Эссиз аёллик, дедим ўшанда...

Ҳаммамиз ҳам йўлда юрамиз. Ҳар хил одамларни кўрамиз. Бугун мамлакатимиз дунё билан бўйлашиб турибди. Нафақат пойтахтимизда балки барча ҳудудларда хорижлик сайёҳлар, меҳмонлар, ишбилармонларга дуч келамиз. Одатда халқимизга таъриф беришганда энг аввало: “Меҳмондўст, очиқ чеҳрали, андишали, меҳр-оқибатли”, деган сифатлар тилга олинади. Юртимиз ва юртошларимиз таърифини китобларда ўқигани бўйича ёруғ таассурот билан мамлакатимизга қадам босган хорижликлар йўлларимизда, жамоат жойларида, жамоат транспортларида одамларнинг муомала-муносабатларида бунинг аксини кўрсалар қандай хулоса чиқарадилар?

Шу боис ҳар биримиз жамоат жойларида ўзимизни қандай тутишни яхши билишимиз керак. Токи, атрофимиздаги айрим маданиятдан, маънавиятдан оқсаётган йўловчиларнинг мудроқ идрок, онгу шуури уйғонсин...

Зилола РАҲМОҶОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири



Ҳаётимизда учраётган турли ижтимоий муаммолар, маънавий-ахлоқий масалалар юзасидан таниқли шоир ва ёзувчиларнинг, зиёлиларнинг ижтимоий тармоқларда билдираётган фикр-мулоҳазалари қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Шоира, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуоазимованинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам йўртдошларимизни бефарқ қолдирмади.

– Мактабда китобхонлар кечаси бўлди. Ўқувчилар ёдлаб олган ва ёдлатилган гап ва саволларини “намойиш” қилишди. “Азиз Несин, Марк Твен, Жек Лондонни биласизларми?” деб сўрасам, олти юз бола бир-бирига ҳайрон бўлиб қарайди, денг. “Қандай китоб ўқиясизлар?”, деган саволимга «Сариқ девни миниб» ва «Ўтган кунлар» деган жавобини олдим. «Гунча», «Гулхан», “Тонг юлдузи” каби болалар нашрларидан гап очсам,

БОЛАЛАР НЕ ГАЗЕТА УҚИМАЙДИ?

Ижтимоий тармоқларда

ўқувчилар жавоб беролмай, довдираб қолишди.

– Болалардан беш юз сўмдан пул йиғиб, бир синфга биттадан обуна бўлганмиз, – деди устозлардан бири, – у ҳам гоҳ келади, гоҳи йўқ...

Давлатимиз болаларимиз ўқисин деб нарҳини оширмай болалар нашрларига эйтибор берса-ю, улар ўзлари учун чиқарилаётган газета-журналларни билмаса-я!?

Устозлар ва ота-оналарда ҳам айб бор. Аммо асосий айбдор халқ таълими тизимидаги мутасадди раҳбарлар! Ўқитувчиларни «қайта ўқиш»лари учун мажбур, минг бир таъйиқлар билан икки юз, уч юз минг сўм пул сарфлашиб, партия ва муаллимлар нашрларига обуна қилдиришади.

Тушунолмайман, биз болаларни ўқитиб, имтиҳон қиламизми ёки зиёли атакмиш ўқитувчиларимизми!?

Тошкент шаҳрида «Гунча»нинг бир йиллик обуна нарҳи 9 минг сўм бўлса, «Гулхан» 13 минг 400 сўм, «Тонг юлдузи» 13 минг 800 сўм қилиб белгиланган.

Болалар нашрлари фарзандларимиз камолотида муҳим аҳамиятга эга эканини, ана шу газета, журналлардаги жажжи ҳикоя ва шеърларни ўқиб китобхонликка қадам ранжида қилганимизни наҳотки биз катталар унутиб қўйган бўлсак?!.

Муносабатлар ва фикрлар

Малика Салимова:

– Балки нашриётларда ҳам айб бордир. Ёдимда, “Муштум”, “Гулхан”, “Гунча”, “Саодат”, “Шарқ юлдузи”нинг янги сонларини сабрсизлик билан кутардик. Балки бугунги нашрлар дунёқарши ўзгарган, қайсидир маънода улғайган ўқувчининг талабига жавоб бера олмаётгандир?!.

Кобилжон Исаков:

– Тўғри! Ҳозир болаларнинг дунёқарши кенгайиб кетган. Анча-мунчага қизиқтира олмайсиз.

Арслонбек Карим:

– Жуда ўринли мавзу кўтарилибди. Уйда китоб, болалар нашрлари ўрнини “Боложон” телеканали, ўзлимизга тўғри келмайдиган турли мультфильм дисклари эгаллаган. Ҳар бир боланинг қўлида телефон, камига компьютер. Гоҳида чуқурроқ уйласанг, фарзандларимизнинг эртаси ташвишга солиб қўяди.

Ботиржон Эргашев:

– Умида опа, мени ҳам мана шу масала жуда қийнайди. Болалар нашрларига обунанинг нарҳини қаранг, бир килограмм бананнинг пули-я. Шу муаммони ўртага ташлаганингиз учун раҳмат, сизга. Болаларимга кўп китоблар олиб келиб, ўқишини ҳам назорат қиламан. Сиз сабаб бўлиб, болалар нашрига обуна бўламан!

У.АДИЗОВА тайёрлади

МИЛЛАТ ОНАЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Ривоят қилишларича, бир киши ҳақимлардан бирининг ҳузурига келиб: “Ҳазрат, ўғил-қизим бор. Иккисини ҳам ўқитишга қурбим етмайди, қайси бирини ўқитай?” деб сўрабди. Шунда ҳақим зот: “Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қилади. Агар ўғлингни илмли қилсанг, бир киши билимли бўлади, қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан”, деб жавоб берган экан.

«Намунавий муслима» номли китоб муаллифи Муҳаммад Алий ал-Ҳошимий шундай ёзади: «Тарихда улуғ кишиларнинг вояга етишида дошимандаларга қараганда оқила оналарнинг ҳиссаси кўпроқ. Шу сабабдан бўлса керак, Ислому уммати орасида ўз онасидан миннатдор ва унинг олдида қардор бўлмаган бирорта фозил кишини тополмайсиз. Бундан келиб чиқадики, тарихий жараёнларнинг ривожланишида айнан оналар ўз фарзандлари орқали билвосита ҳисса қўшиб туришган».

Улуғ муҳаддис олим Имом Бухорийнинг кўзлари болалик пайтида ожиз бўлиб, кўрмай қолади. Оналари Иброҳим пайгамбарни туш кўрадилар. У киши: «Эй аёл, Аллоҳ таоло кўп дуоларинг сабабли ўғлингга кўзини қайтариб беради», дейдилар. Она кечаю кундуз ўғлига шифо тилаб, дуо қилади. Бир неча кундан сўнг Имом Бухорийнинг кўзлари яна кўра бошлади.



Фарзандларини тарбиялаб, уларнинг ҳақиқий эркак ва кучли шахс бўлиб етишишларида улкан хизмат кўрсатган муслима оналар Ислому тарихида жуда кўп учрайди. Аммо биз уларни баъзан унутиб қўямиз.

Мазкур унутишимиз туфайли қанчадан-қанча кулфат ва мусибатларга дучор бўламиз. Зотан, ҳар бир халқ ўзининг ўтмишини, тарихи, маданияти, миллийлиги ва диний урф-одатларини унутар экан, келажакни қандай режалаштириш, уни қай тарзда тасаввур қилишда ҳам янглишади. Келажак эса доимо ёшлар билан белгиланади. Қайсики халқ ўзининг ёшларига, уларнинг таълим-тарбиясига, ахлоқ-одобига, дин-дёнати, миллийлиги ва маданиятига беътибор бўлса, албатта, заволга юз тутади. Бунга ҳозирги кунда фарб халқлари мисолида кўришимиз мумкин.

Бир дўстимиз ўз кўзи билан кўрган воқеани шундай ҳикоя қилиб берди:

“Оиламнинг харажатлари туфайли бозорда юрган эдим. Бир жувон кўлидаги уч-тўрт боғлам кўкатга ишора қилиб: «Мана шунга сотиб олинг, шугина қолди, холос», дея илтимос қилди. Кўкат олиш ниятим йўқ эди. Аёлга кўзим тушиб, уят бўлса ҳам айтаман, хижолатли бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Унинг сийнасиндан оқаётган сут либосини жиққа хўл қилган эди. Билдимки, эмизикли гўдаги бор. Лекин кўлидаги уч-тўрт боғлам кўкати сотилмагани боис кетолмай турибди. Кўкатларини айтган пулига сотиб олдим. Аёл эса суюниб, шоша-пиша нарсаларини йиғиштириб, бозордан чиқиб кетди».

Мана, азизлар, балки қайсидир эркакнинг айби, оиласига бепарволиги туфайли эмизикли боласи бор аёл бозорда шу ҳолатга тушгандир. Яна ким

Дин ва оила

билади, дейсиз. Нима бўлганда ҳам аёллар ҳеч қачон ўзларининг она эканликларини унутмасликлари лозим. Эр озоқ топаётган бўлса ҳам бориға шуқр ва қаноат қилиб, фарзандларининг тарбияси билан машғул бўлаверсалар, албатта, келажакда барака топадилар. Барака эса фақатгина моддий бойликда эмас. Балки маънавият, ахлоқ-одоб, тинчлик ва хотиржамликдадир.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев фарзанд тарбиясида оналар масъулиятини кучайтириш бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири эканини бот-бот такрорлаётгани ҳам бежиз эмас.

Шундай аёллар борки, моддий тарафдан жарақ-жарақ бойликка эга. Лекин гоҳо ўғлини ёки қизини етаклаб келиб: “Қизининг бахти очилмаяпти, ўғлимнинг боши касалликдан чиқмаяпти”, дейди зорланиб. Нима учун қизининг бахти очилмаётгани, ўғлининг боши касалдан чиқмаётгани суриштириб кўрилса, сабаби ойдинлашади: фарзандлар ота-она эътиборидан четда қолган. Қиз — саёқ, ўғил — нашаванд. “Болаларимга ҳамма нарса берибману бироқ уларни таълим-тарбия, ахлоқ-одобдан маҳрум қилибман. Мана энди қилган хатоларимнинг жабрини тортяпман”, деб ёзгаради она.

Миллат оналари! Ўзингизнинг ва бутун жамиятингизнинг келажакга бўлиши фарзандларингиз тарбиясига беътибор бўлманг. Акс ҳолда юрт, миллат олдида энг оғир жиноятни содир этган бўласиз. Бу жиноятнинг жазоси нафақат охиратда, балки шу дунёнинг ўзида ҳам ўта шиддатли ва аянчли бўлади.

Исҳоқжон БЕГМАТОВ,
Тошкент Ислому Институти
ўқитувчиси

ҲАЁСИЗЛИК — ЗАМОНАВИЙЛИКМИ?

Кийинишига қараб, одамнинг феъли ҳам ўзгариб боради. Ҳеч сезганмисиз, сочини калта кесдириб, шим кийган қизларда эркакларга хос кўрслик, чўрткесарлик, чапанлик кўзга ташланади. Шу маънода ўта очиқ, калта ва жуда тор либосдаги қиз ё аёлда беҳаёликнинг белгилари кўринса ҳеч ажабланманг. Чунки очиқ-сочиқ кийимда кўчага чиқиб кетаётган қиз-жувонларда бора-бора уялиш ҳисси йўқолади.

Дилдаги гаплар

Баъзи ёши улуғ аёллар ҳам замонавийлик деганда, ҳаёсизликни тушунаётгани одамни ўйлантириб қўяди.

Ҳаё инсониятга берилган энг бебаҳо неъматдир. Иболи, ҳаёли қизлар бор жойга поклик, озодалик, қут-барака ёғилади. Ҳаёли қизларнинг эртаси чиройли, бахти бутун. Келин бўлса яхши аёл, меҳрибон она, деган ном олади.

Хурмати, эъзози, қадрли ўзи билан бирга юради. Фарзандларининг кўз ёши оқмайди, боши эгилмайди, турмуш ўртоғи бегона аёлларга бўйламайди. Шундай экан, фарзандларимизни, айникса, қизларни ёшлигидан одоб-ахлоқ руҳида тарбиялайлик.

Кийинишда ҳам, юриштиришида ҳам чегарадан чиқишига, ўзбекиона хулқ-атворини унутишига йўл қўймайлик.

Сардорбек АСРАНҚУЛОВ,
Андижон давлат тиббиёт институти ўқитувчиси



Замондошларимизнинг кўпчилиги вақт жуда тез ўтаётганидан нолийдилар. Аммо умримизнинг олтинга тенг фурсатларидан унумли фойдаланаяпмизми, деган саволга ҳаммамиз ҳам жўяли жавоб беролмаймиз.

УМРНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОРМИ?

Акс ҳолда айни оиласига тиргак, фарзандларига ўрнак, эл-юрт қорига қамарбаста бўладиган ёшида айрим йигитлар ҳар икки куннинг бирида ярим тунгача чойхона, кафе ёки тамадди-хоналарда зиёфат қилиб, маст-аласт бўлиб, беҳуда кўнгулхушликларга вақт сарфлаб юришмасди. Баъзи аёлларнинг қимматбаҳо кийимлари, тақинчоқларини кўз-кўзлашга баҳона бўладиган гап-гаштакларда бекорчи гаплар гийбатларга андармон бўлиб ўтаётган умрига ачиниб кетасан киши.

Юртимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар очилган бугунги кунда ҳам бир ишнинг бошини тутмай, болачақаси билан кекса ота-онасининг пенсия пулига кўз тикиб, эртадан кечгача телевизор кўриб ётган боқиманда ўғил умри увол кетаётганини билармикан?!

Эндигана уйланган йигит, чилласи чиқмаган келинчакни ёлғиз ташлаб, ишлаш учун хорижга кетди. Шу ерда ҳам тирикчилиги ўтаётганди. Аммо унга қўшиб сингилсига ҳам тўй қилган, “орзу-ҳавас”ли ота-онаси уни уйлантиришга анча-мунча пул сарфланганини, тўйдан кейинги йўқловларга ҳали “ката харажат” кетмишини айтиб, йигитни бегона юртга йўллади. Бемаъни орзу-ҳавасларни деб айни навқирон ёшида у ногирон бўлиб қайтди.

Компьютерхоналарда экранга тикилиб, одамларни ўлдирши, машиналарни ҳолокатга учратиш, портлатиш, ўт қўйиш каби ўйинларни ўйнаётган болакайнинг нигоҳларида асабийлик, феълида шартакилик, бетгачопарлик пайдо бўляпти. Дийдаси қаттиқлашиб, оиласига, ота-онасига, мактабдаги машғулотларига лоқайд бўлиб қоляпти. Боланинг феълидаги бу ўзгаришлар умрини компьютер ёнида беҳуда ўтказаяптими? эканини ота-онаси пайқамаяптими?

Ўғил ўз йўлига интизор термилиб ўтирган онасига: “Ишдан кейин олдингизга ўтаман”, деб ваъда берди. Она югуриб-елиб манти пиширди. Аммо ўғил ишхонадан чиққач, жўралари билан чойхонага кетди. Лафз увол бўлди. Хавотир ичида ярим тунгача боласини кутган онанинг қон босими ошди...

Уволдан қўрқмайдианлар, «увол қилмасан», деган тушунчани эскилик сарқити деб биладиганлар ёки умуман бу ҳақда ўйламайдиганлар орамизда жуда кўп. Улоҳса шуки, юқоридаги саволларга ҳар биримиз жавоб беришимиз керак. Беҳуда орзу-ҳавасларга сарф этилаётган умримиз, бекор кетаётган вақтимиз, эътиборсиз қолаётган инсоний туйғуларимизнинг увולי турса нима қиламиз, азизлар?

Гулчеҳра ҲАКИМОВА

ЭЪЛОН

Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи (эски СПТУ №10) томонидан Ҳамраева (Абдужалилова) Матлуба Абдумажитовнага берилган № 283967 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

ЎзДЖТУ томонидан Яманкулова Зулфия Митхатовнага 1997 йилда берилган № 110281 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР қилинади.

МЕҲРИНГИЗНИ ҚИЗҒАНМАНГ!

Пойтахтга кетаётиб етмиш ёшлардаги Даврон ота билан танишиб қолдим. Манзил узок, йўл давомида гурунглашиб кетдик.

– Ҳаётимда йўқотганларим қанча бўлса, топганларим ҳам шунча, – дея гап бошлади у. – Қийинчиликда ўтган болалигим ёдга тушса, ҳар гал вужудим бир титраб кетади. Пешонамга болалигимдаёқ ота-она меҳридан бебахра бўлиб ёзилган экан. Улар олис қишлоқдаги мактабда сабоқ беришар, ўзларининг «Запорожец» автомашинасида ишга бориб келишарди. Кузининг сөрөгин кунлари тоғли йўлда автохалокатга учраб, иккаласи ҳам ўша ерда оламдан кўз юмган. Ўшанда мен уч, синглим Нодира бир ярим ёш эдик. Онамнинг оналари тарбиясида қолганимиз.

Бувимнинг уйи рўпарасида маҳалланинг ўзига тўқ, обрўли кишилари яшарди. Уларникига борганида бизни ҳам ўзлари билан олиб чиқиб, дастурхон атрофида ўтириб, бир пиёла чай ичарди. Қўшнимиз тўй қилиб келин олгач, бувижоним: «Қўшниникида одоб сақланглар, келинчақ олдида тўполон қилманглар», деб уқтирди. Синглим иккимиз келиноини жуда яхши кўрардик. У ҳам бизга яхши гапирарди. Оила бошлиғи опоқимиз келиноинига:

– Қизим, гўдақларнинг бошини силанг, савоб топасиз, кам бўлмайсиз, – дердилар.

Келиноий чақалоқ олиб келишини эшитгач, жуда қувондик. Ҳовлимизда бир туп ўрик бор. Бувим довучча териб, келиноийга олиб чиқарди. Бир куни мен ҳам уни суянтирмоқчи бўлиб, сарғайиб, ранг тортган ўриклардан бир ҳовуч териб, бувимга индамай, қўшнининг ҳовлисига кирдим. Келиноийм қозон бошида куймаланаётган экан. Уйда бошқа ҳеч ким кўринмади. Шўрванинг ёқимли хиди бутун ҳовлини тутганди. Ўшанда қозондаги шўрвадан жудаям ичгим келди. Киссамдаги чала пишган

ўриқни ҳовучимга тўлдириб, келиноиймга яқинлашдим. Негадир унинг аччиғи чиқиб кетди:

– Яна чиқаяпсанми, етимча? Қачон қарасам, овқатим пишишини пойлаб чиқасан. Сен етимлар шундоқ жонимга тегдиларинг-да! – деди ғазаб билан.

Турган жойимда қотдим. Устимдан биров муздек сув қуйгандек бўлди. Кўз олдим қоронғилашди. «Етимча» деган сўз нақадар хунук эшитилишини ўшанда илк бор ҳис қилдим. Қўлимдаги ўрик сочилиб ерга тушди. Бувимнинг олдида қандай юғуриб келганимни билмайман.

– Келиноийм, келиноийм... овқатидан бермади, – дея ҳиқиллайман. Томоғимга бир нарса тикилгандек нафасим қайтиб, гапира олмайман.

Бувижоним нима гаплигини тушуниб, маҳкам бағрига босиб, йиғлади. – Жон болам, ўзингни бос, бўлди, бошқа ҳеч нарса дема. Унинг шўрвасида суяги бор, ширинмас. Ҳозир суюксиз юмшоқ шўрва пишириб бераман, – дедилар-да, примосни ёқиб(мой қуйиб ёқиладиган буюм), сопи синган товामизни қийналиб ўтга қўйди. Товага бир қошиқ ёғ солиб, бир дона пиёзни майдалаб ташладилар-да, тезда қовуриб, устидан битта тухум қақиб, озгина сув қўйди. Бувимнинг овқати бир зумда қайнаб, пишди. Мен билан синглимга икки косага қуйиб, товадаги тухумни ҳам тенг иккига бўлиб берди. Ўзлари эса тованинг тагида қолган бир қошиқ сувидан тотинди, холос.

– Эссиз, икки йўл орасида турган ҳомиладор аёл оғзига эҳтиёт бўлиши керак эди. Ёш болани бунчалик оғринтириб бўлмаслигини биллишмайди-да. Эссиз ёшлар-а... Билиб-билмай қилган гуноҳларимизни ўзинг кечир,

Ушанда беш ёшда эдим. Ҳаётни қаранг, қўшни келин ўғил кўрди, чақалоқ ногирон туғилди. Болани 2-3 ёшдан аравачага ўтказиб қўйишарди. Дарвозанинг олдида ўтган-кетганларга термилиб ўтирарди.

Худойим!

Ушанда беш ёшда эдим. Ҳаётни қаранг, қўшни келин ўғил кўрди, чақалоқ ногирон туғилди. Болани 2-3 ёшдан аравачага ўтказиб қўйишарди. Дарвозанинг олдида ўтган-кетганларга термилиб ўтирарди. Оёқ-қўли ишламас, жуда қийналиб гапирар, томоғига бир нарса тикилгандек, зўрга нафас оларди. Бувим қачон таом тайёрласа, албатта, қўшнининг боласига олиб чиқиб, ўзи едириб кўярди.

– Ота-оналаринг руҳи олдида қарздорман. Сизларни ўқитишим керак, – деб, бувим болалигимиздан китобга, илмга, хунарга ошно этди. Ота-онамиз ҳақида ҳам йиғлаб, ҳам қулиб эртақ тўқир, эртақ якуни доим яхши тугагани учун, синглим иккимиз бир куни ота-онамиз қайтиб келади, деб ишонардик.

Келиноийм бир эмас, икки эмас, тўрт нафар фарзанд кўрди. Минг афсуски, уларнинг ҳаммаси ногирон туғилди.

Ҳаёт мени сийлади. Каттагина тadbиркор бўлдим. Ўғилларим қаторимга киришди. Келиноий эса бир умр ҳаётдан нолиб ўтди. Бир гал ўғилларим билан йўқлаб борганимизда, бечора кампир роса йиғлади.

– Қайси гуноҳим учун Худо соғлом бола бермади! Ўлсам, гўримга бир

сиқим тупроқ ташлайдиган йўқ. Давронжон, сизни муштдайлигингиздан биламан. Боламдексиз. Вақти соати келиб, кўз юмсам қабримга қўйиб, гўр маҳрамим бўлинг, — деди изтироб билан.

Ҳаётнинг оғир юқини кўтаришдан толиққан онахоннинг ранглари синиқ, шу топда икки оғиз илиқ сўзга жуда муҳтож эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай онахон оламдан ўтди. Кампирнинг айтганини бажардим.

Ушанда қўшни опоқи ёш келинчақка: «Болаларнинг бошини силанг, савоб бўлади, кам бўлмайсиз», деб бежизга айтмаган экан.

Отахоннинг ҳиқоясини йиғлаб эшитдим.

Раҳматли қайнонам Қимматхон ая: «Ҳаёт шундай аччиқки, томирингни куйдиради, ҳаёт шундай ширинки, кўз юмгинг келмайди. Болаларим, доимо раҳм-шафқатли бўлинглар. Ҳар бир иш жавобсиз қолмайди. Тилингизни ширин қилинг. Дилдордан Худо безор, дейишарди. Кунгилни авайланг. Билиб-билмай қилинган хатоларга болаларнинг балоғардон бўлишдан ўзи асрасин», дердилар. Энди билсам, катталарнинг ҳар бир гапида бир олам ҳикмат бўлар экан.

Ўқтамхон СОЛИЕВА,
Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани,
Чўлигулистон қишлоғи

ЖИЯНИНИ АСРАБ ҚОЛГАН ТОҒА

Сиз нима дейсиз?

Мактабда етакчи бўлиб ишлайман. Кўпинча балоғат ёшидаги қизлар билан келажақ ҳақида суҳбатлашаман. Баъзилари улғайгач, хорижда яшаш нияти борлигини айтишади. Хориж ҳақида гапираётиб уларнинг кўзлари чақнаб кетади.

Ёшгина қизларда нега хорижда яшаш иштиёқи бунчалар кучли? Бу истак уларда қандай пайдо бўляпти? Бу саволларнинг жавоби оддий, албатта, буларнинг барчаси интернетнинг таъсири.

Яқинда бир танишим коллежни битирган қизи ўзидан 19 ёш катта дубайлик эркакка турмушга чиқиб, бир йил ўтмай қайтиб келганини айтиб, шошалоқлик қилганидан афсусда эканини билдирди. Дубайлик кекса куёв ёш хотинига ҳайвонга қарагандек муносабатда бўлибди. Арзимаган камчиликлари учун аямай калтақлабди. Бир олам орзу-ҳаваслар билан Дубайга ошиққан қиз шу тариқа кўнгли синиб, ночор бир аҳволда ота уйига қайтган.

Дам олиш куни бозорга кетаётиб, ҳайдовчи билан гаплашиб бораётган кишининг сўзларини эшитиб қолдим.

– Хотинимнинг опаси иккита қизини хорижга узатганди. Уларга қизиқиб, рафиқам ҳам ёлғизгина қизимни туркиялик йигитга турмушга берди. У ернинг ҳавоси ёқмай, қизимнинг нафаси қисадиган бўлиб қолгач, юртимизга қайтиб келди. Мана энди иккита фарзанди билан ижара уйда яшаяпти. Куёв болалари учун пул юбориб туради. Бир йилда бир марта келиб, хабар олади. Невараларимнинг қорни тўқ, усти бут, аммо ота меҳрисиз ўсаепти. Қизимнинг уйда ҳамма нарса бор-у, оила йўқ...

Кўпгина ота-оналар қайсар қизларини хориж

остонасидан қайтара олмай жони ҳалак. Ўз сўзидан қайтмайдиган, инжиқ қизлар эса таваккал қилиб ҳаётини бировнинг қўлига топширади-да, эртага қатор-қатор болалари ва кўзда ёш билан ота уйига қайтиб келади. Уларнинг бу "орзу-ҳаваслари" жабрини содда ота-оналар тортади.

Аммо бундай олифта қизларнинг жловини тортиб қўядиган эркаклар ҳам бор экан. Бир танишимнинг қизи интернет орқали корейлик эркак билан танишиб, унга турмушга чиқишга розилик билдирибди. Аммо бунга ота-ониси қаршилиқ кўрсатган. Онанинг қон босими ошиб, шифохонага тушибди. Қиз эса ўз аҳдидан қайтмай, олисдаги куёв томон интилаверган.

Шунда қизнинг уддабурон тоғаси жиянидан куёв бўлмишининг интернетдаги сурати, у ҳақдаги маълумотларни ички ишлар бўлимига топшириб, Ли Мён исмли шахс ҳақида суриштириб беришларини сўраган. Ички ишлар ходимлари Лининг шахсини аниқлашган. Ли Мён уйланган, икки нафар фарзанди бўлиб, интернетга ўз исми, аммо, бошқа йигитнинг сурати билан кирган. Тоғанинг саъй-ҳаракати билан битта қиз бахтсизлик ботқоқидан асраб қолинди.

Бугун ҳам ён-веримизда жомадонига қийимларини жойлаб, хорижга кетиш иштиёқида шайланиб турган қиз-жувонлар йўқ эмас. Балки уларнинг юрагини ёшлик шўхликлари, ҳис-ҳажжони, орзу-ҳаваси банд этгандир. Аммо мана шундай пайтда биз катталарни ҳушёрлик тарқ этмасин. Бошқаларнинг ҳаётига лоқайд бўлмайлик. Зеро, эртага бундай ташвишлар ўзимизнинг бошимизга ҳам тушиши мумкин.

Нилуфар БОЛТАБОВА,
Учқўприк туманидаги 39-мактаб
болалар етакчиси



Мана, қишнинг совуқ кунлари ўтиб, баҳорнинг илиқ кўеши оламни нурга тўлдириди. Қишки қалин кийимлар ўрнини баҳорги либослар эгалламоқда. Кўпчилини инжиқ об-ҳавоси кўпчилини “Қандай кийиниш керак”, деган савол қаршисида ўйга толдиради.

Ривожланган мамлакатларда бу борада либоснинг ҳар томонлама қулайлиги муҳим аҳамиятга эга. Хориқликлар урфга қараб кийинишдан кўра, ўз соғлиқларига фойда келтирадиган либосларни афзал қиришади. Масалан, бозорларимизда энг харидоригир бўлган ялтироқ тусдаги синтетик матоларнинг бир кийимлиги чет эл дўконларида жуда арзон нархларда сотилар экан. Биз унчалик назарга илавермайдиган пахта ёки зиғир толали газламаларни эса хориқликлар қадрлашади ва қиммат бўлса-да, харид қилишади.

Кейинги йилларда, айниқса, ёшлар ўртасида сунъий ялтироқ тошлардан безак берилган синтетик толали либослар урфга кирди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай матоларнинг толалари этилен, бензол, нефт газлари ва тошқўмир қатрони сингари моддалардан олинади. Уларда организмга салбий таъсир кўрсатувчи маълум бир кучланишдаги электростатик зарядлар мавжуд. Бу зарядлар танага ҳаво ўтказмайди, оқибатда ёқимсиз ҳид пайдо қилади. Айниқса, сунъий толали ич кийимларни асло киймаган маъқул.

Кийим тикиладиган матоларга мутахассислар томонидан физик ва гигиеник талаблар қўйилади. Яъни, газламанинг ҳавони яхши ўтказиши, иссиқда нам ва терни тез шимиши, бадандаги тер бугланишига халақит бермаслиги ҳамда электростатик зарядлардан ҳоли эканлиги ҳисобга олинади. Юртимиздаги дўконларда бундай матолар кўп.

Оилавий харид

“НАФАС ОЛУВЧИ” МАТОЛАР

Масалан, пахтали газлама пишиқ, нам тортиш хусусияти юқори, кўеши нурга чидамли, шунингдек, совуқ пайтда танани иссиқ тутади, иссиқда салқинлик бахш этади.

Зиғир толали мато ҳавони яхши ўтказиши. Юмшоқ ва сирғалувчан ипак матолар тез қурийдими, уларга қуя тушмайди. Бамбук целлюлозасидан олинган толали газламаларнинг тана саломатлиги учун фойдаси кўп.

Киши соғлиғига зиён етказувчи синтетик газламалардан тикилган либосларни узоқ вақт ечмасдан кийиб юрганда, тана етарлича “нафас” ололмайди, оқибатда кўпгина хасталиклар келиб чиқади. Пахта толаси, зиғир ва ипакдан тайёрланган кийимлар эса аксинча, саломатлик учун қони фойда.

Яна бир муаммо шундан иборатки, кўпчилик қаттиқ совуқ бўлмаган пайтларда бош кийимни кийиш шарт эмас, деб ҳисоблайди. Бу нотўғри. Бош кийим сочларни чанг ва губорлардан сақлаш билан бирга, бош терисига юзага келадиган касалликларнинг ҳам олдини олади. Ёмғирли кунларда, албатта, бош кийимда юриш зарурлигини ҳозирги кунда олимлар ҳам ўқтиришмоқда. Бунинг сабаби бор. Тоғ қазилмаларини излаш жараёнидаги портлатишлардан ҳосил бўлган чанг ҳамда тур-

ли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг захарли тўтунлари ҳавога кўтарилади, сўнг булутлар билан бириқиб, устимизга кислотали томчилар бўлиб ёғилади. Шуларнинг таъсирида бош териси турли хасталикларга дучор бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бундан ташқари, қизлар ва келинчақлар кияётган очиқ-сочиқ либослар салқин ҳавода буйрак шамоллашларини келтириб чиқаради, агар улар ўта тор тикилган бўлса, эркин нафас олишга халақит беради, баданини сиқиб тургани боис ичаклар ишига салбий таъсир қилади, овқат ҳазмини ёмонлаштиради, ҳатто лимфа тугунлари ишини ва қон айланишини кийинлаштиради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим эркалар бўйинбоғни ўта қисиб боғлашади, бу ҳолат бош миёга қон етиб боришини мушкуллаштиради. Ҳатто тор пойафзаллар ҳам зарарли, улар веналарнинг варикоз кенгайишига, оёқ бармоқларининг қийшайиб қолишига, қадоқлар пайдо бўлишига олиб келади.

Соҳа олимлари берган маълумотларга кўра, сунъий газламалардан тикилган кийимлар намни кам шимиб, тер ва ёғ безлари фаолиятини ёмонлаштирар экан. Оқибатда турли хил тери касал-

ликлари келиб чиқади. Айниқса сунъий матолар ўз таркибига кўра ва қай йўл билан қайта ишланиши ҳамда қандай бўёқдан фойдаланилганига қараб терида турли хил реакциялар бериши мумкин. Масалан, бўёқ моддалари турли хил бўлса, оёқ терлаганда шу моддалар билан реакцияга киришади ва аллергик дерматит (тери хасталиги) ривожлана бошлайди.

Юртимизда мато ишлаб чиқаришда янги технологиялардан фойдаланилмоқда. Замонавий дизайнерлар “нафас олувчи” матолар – пахта, ипак, шойи, адас ва атласлардан аёллар учун чиройли либослар яратишяпти. Эндилликда ҳар бир киши ўз саломатлигини асраш йўлларини яхши билади, шу маънода ўзини севиб-қадрлашга ҳам ўрганмоқда.

Демак, ўзимизга либос танлаётганимизда унинг кўркам ва бежиримлигидан ташқари, саломатлигимиз учун фойдаси тегишига жиддий эътибор қаратсак, нур устига нур бўларди. Негакки, саломатлик ҳар қандай қимматбаҳо либосдан кўра қадрлироқ.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

“FARG‘ONA SAVDO MAJMUASI”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимизнинг энг сеvimли ва қадрли байрамларидан бири – Наврўзи олам билан ватандошларимизни чин

дилдан қутлайди!

Кўхна тарихда “янги кун” деб аталган шукўҳли айём

барчамизга яхшилик, эзгулик ва меҳр-оқибат бағишласин!

НАВРЎЗИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Хизматлар лицензияланган

Oila va Jamiyat
Ижтимоий-
сиёсий,
маънавий-
маърифий
газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-
қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамағатлари) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро
хайрия фонди

Бош муҳаррир: Воҳид Луқмонов

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 326. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 9010. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. Муеурмонова
Навбатчи: Н. Раҳмонова
Мусахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



7 720 10 760 00 9

1 2 3 4 5